



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 24 август, № 166 (4319) • Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида 2007 йилги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781 сонли Фармонида кўзда тутилган 3 та иккинчи даражали мукофот ўрнига 2007 йил учун, истисно тариқасида, 6 та иккинчи даражали мукофот берилиши белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашининг 2007 йилги Давлат мукофотлари бўйича тақлифга биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли хиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

Равшанбек Давлетович Курбонов, Шомансур Шохсаидович Саъдуллаев, Олимжон Зоирович Содиковга — “Янги антиаритмик таъсирга эга бўлган “Аллагинин” доривор препарати асосларини ишлаб чиқиш ва яратиш, тиббиёт амалиётига татбиқ этиш ҳамда йирик ҳажмларда ишлаб чиқишни ташкил этиш” мавзусидаги иши учун;

адабиёт соҳасида:

— **Озод Шарафиддиновга** (марҳум) — “Ижодни англаш бахти” ва “Довондаги уйлар” асарлари учун;

санъат ва меъморчилик соҳасида:

— **Анвар Йўлдошев** **Эргашевга** — “Хумо” балети учун.

Иккинчи даражали давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:

— **Эдвард Васильевич Ртвеладзега** — “Марказий Осиё тарихи ва маданияти тарихи” мавзусидаги ишлари туркуми учун;

— **Илҳом Гафурович Отабоев, Амин Сафарбоевич Саидов, Мухтор Сафарбоевич Саидовга** — “Янги яримўзғач қаттиқ қоршималар ва уларда қоршималар билан боғлиқ бўлган ҳодисалар” мавзусидаги иши учун;

адабиёт соҳасида:

— **Мухаммадали Аҳмедов** (Мухаммад Али)га — “Улуғ салтанат” роман-дилогияси учун;

санъат ва меъморчилик соҳасида:

— **Эдуард Рубенович Давидовга** — “Ўзбекистон дурдоналари”, “Хоразмнинг олтин халқаси” телевизион фильмлар туркуми учун;

— **Камера Шодмонова Камолова, Шомирза Фаневич Турдимов, Мухаммадас Нусратуллович Абдухаировга** — “Йўл бўлсин” бадиий фильми учун;

— **Холида Ҳафизовна Комиловага** — миллий кийимлар дизайни бўйича ишлари учун.

Биринчи даражали давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:

— **Собир Юнусович Юнусов** (марҳум), **Фарҳод Набиевич Жаҳонгир**,

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2007 йил 23 август

И. КАРИМОВ

Маттиас МАЙЕР: ЎЗБЕКISTONNING БУЮК КЕЛАЖАГИГА ҚАТЪИЙ ИШОНАМАН



Германия — Ўзбекистоннинг Европадаги энг ишончли ҳамкорларидан. Истиқлол йилларида мамлакатларимиз кўплаб соҳаларда яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Ватанимизнинг Мустақиллик байрами арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Факулдада ва мухтор элчиси Маттиас МАЙЕР билан сўхбатлади.

— **Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, жумладан, сармоявий ҳамкорликни қандай баҳолайсиз ва уни кенгайтириш учун, сизнингча, яна қандай имкониятлар мавжуд?**

— Аввало, ушбу сўхбатни ушлаганимиз учун миннатдорлик билдиришга ихозат бергайсиз. Назаримда, бу ўринда нафақат Германия Федератив Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг бугунги аҳволи, балки уларнинг истиқболига оид масалаларга ҳам тўхталиб ўтсак, тўғри бўлади.

Утган йиллар мобайнида Германия Ўзбекистоннинг фарбий ярим шардаги етакчи савдо-иқтисодий шерги ва ҳамкорига айланди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми мутасили ошиб бормоқда: 2002 йилда у 214 миллион еврони ташкил қилган бўлса, 2005 йилда 270 миллион еврога етди. 2006 йилнинг биринчи ярмида эса бу борада яна 10 фоизлик ўсиш қайд этилди.

Ўзбекистонда Германиянинг 55 компанияси фаолият кўрсатмоқда, 15 компанияси эса ваколатхонасини очган. Улар Германия иқтисодий клубига бирлашган.

Германия — Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлиги доирасидаги лойиҳалар амалга оширилаётган соҳалар қамрови анча кенг. Хусусан, “АББ”

компанияси Навоий шаҳри аэропортини реконструкция қилишда иштирок этмоқда. “Кнауф” компанияси эса Бўхоро вилоятидаги гипс заводини сотиб олди. Энди у ерда юқори сифатли қурилыш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мисол тариқасида яна 2005 йилнинг августда қиймати 6,6 миллион еврога тенг “ТехТекс” тўқимачилик фабрикаси ишга туширилганини, “Пакон” фирмаси томонидан қиймати 34,6 миллион еврога тенг ойна заводи очилганини, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Сименс Тохтер БФЕ” фирмасининг ускуналари билан жиҳозланганини ҳамда Ўзбекистон фермерлари томонидан Германиянинг “Клас” компаниясида ишлаб чиқарилган гаўла ўриш қомбайнлари сотиб олинганини ҳам айтиш мумкин.

— **Ўзбекистон билан Германия ўртасида кўплаб соҳаларда мустақам алоқа ўрнатилган. Ўзаро муносабатларнинг келажагини қандай тасаввур этасиз?**

— Ўзбекистон истиқлолга эришган, Германия билан йўлга қўйилган 15 йиллик ҳамкорлик мобайнида қарийб барча соҳаларда кўплаб лойиҳалар амалга оширилди. Ушбу лойиҳалар мамлакатларимиз

(Давоми 2-бетда).

АЛМАШУВ НОТАЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Факулдада ва мухтор элчиси Юй Хунцзюнь 23 август кuni Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги **Элёр Фанов** билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ижтимоий-иқтисодий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб ҳизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилда қарийб 698 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 92 фоиз ўсди.

Музокарада ҳамкорликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон билан Хитой ҳуқуқатлари ўртасида Алмашув ноталари имзоланди. Мазкур ҳужжатта мувофиқ “Бўхоро вилояти Қорақўл туманидаги “Қорақўл” насос станциясини қайта тиклаш” лойиҳасини амалга ошириш учун 6,2 миллион АҚШ доллар миқдорига фозисиз кредит ажратилди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

ЭЛ-ЮРТ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Бугун Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси иш бошлайди



Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА) олган сурат.

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг бош майдонига кўплаб иморатлар бунёд этилди. Аммо уларнинг ичида энг кўлиси ва салобатлиси Олий Мажлис Сенати биносидир. Опоқ рангдаги бу муаззам бинода бугун сенаторларнинг навбатдаги анжумани иш бошлайди. Эртанги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти, маънавияти ва маърифатига дахлдор ҳуқуқий механизмнинг дадил ва янада мукамал ишлаши учун айнан шу жойда тамал тоши қўйилади — қуйи палатада қабул қилинган ўнлаб янги қонунлар қизгин муҳокама этилади ва маъқулланиб, ҳаётга йўللана олади.

Дарҳақиқат, бугунги ялпи мажлис кун тартибидан ўндан ортиқ қонунлар ўрин

олган. Қуйи кеча Сенатнинг деярли барча қўмиталарида мазкур қонунларнинг анжуманлари сўнги муҳокамалари бўлиб ўтди. Сенаторларимиз уларни халқимизнинг тақлиф ва истақлари асосида яна бир қарра назардан ўтказдилар.

— Мен бу ялпи мажлисга алоҳида тайёргарлик билан келдим, — дейди Ўзбекистон автотранспорт қасб-ҳунар коллежи директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси **Эгамберган Каримов**. — Сайловчиларимиз ялпи мажлис кун тартибига киритилган қонунлар бўйича ўз тақлиф-мулохазаларини баён этишган. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонуни бўйича бир қатор тақлифларимиз бор.

Аслида бу қонун автомобиль йўлларида фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини аниқ равшан белгилаб бериш билан бир қаторда ушбу соҳани бошқариш тартибини ҳам муфассалроқ баён этди. Яъни, янги қонуннинг айрим моддалари ҳақ тўланадиган автомобиль йўллари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши билан ҳам характерлидир. Хуллас, ялпи мажлисда сўзга чиқсам ана шулар ҳақида ўз фикр-мулохазаларимни билдирган бўлар эдим.

Олий Мажлис Сенати биносидан рўйхатдан ўтаётган сенаторларнинг қўлларида даста-даста ҳужжатлар. Бу уларнинг ялпи мажлисга катта тайёр-

гарлик билан келганлигидан далolat. Чиндан ҳам улар ялпи мажлис оралиғида ўзлари аъзо бўлган қўмиталар тартибда қатор вилоятларда, вазирилик ва идораларда бўлиб, мавжуд қонунлар ижроси қай тартибда амалга ошириляётганини таҳлил қилишди, тақлиф ва масlahатларини беришди.

Сенаторларимиз бугунги ялпи мажлисга катта тайёргарлик билан келишди. Чунки бугун мамлакат ахли улардан мукамал ва ҳаётий қонунлар қабул қилишни кутмоқда. Бу масъулият уларни ҳамиша тийрақликка ва зийракликка ундаб туриши, табиий.

Эсирғап БОЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Шу йил 23 август кuni парламент юқори палатасининг қўмиталарида Сенатнинг бўлажак ўн биринчи ялпи мажлиси кун тартибига киритиш мўлжалланган масалаларни кўриб чиқишга бағишланган мажлислар бўлиб ўтди.

Чунончи, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг мажлисида «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқиладиган ушбу ҳуқуқий ҳужжат автомобиль йўллари билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилганини қайд этилди. Шундан кейин амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар кўриб чиқилди. «Тоғ ва белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиш вақтида таъкидланганидек, Қонуннинг мақсади товар белгилари тўғрисидаги

миллий қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ҳамда уларни халқаро шартномалар ва битимларга мувофиқлаштиришдан иборатдир. Сенаторлар «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Ушбу Қонунда аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик текширувларини ўтказиш тартиби назарда тутилганлиги, аудиторларнинг малака сертификатли амал қилишини тўхтатиш асослари белгиланганлиги, аудиторлик ташкилотига қўйилган лицензия талаблари ва шартлари, шунингдек, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ҳуқуқий нормалар жорий этилаётганлиги

қайд этиб ўтилди. «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилар экан, киритилётган ўзгариш ва қўшимчалар сугурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантириш ҳамда сугурта фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратилди. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш вақтида Қонуннинг асосий мақсади ҳужжалик юртувчи субъектларнинг ўз ишлаб чиқаришини доимий равишда модернизациялаш, техника ва технология билан қайта қуроллантириш, уни замонавий, серумун ускуналар билан жиҳозлаш соҳасидаги фаолиятини самарали рағбатлантириш тизимини яратилган иборат эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси мажлисида «Ўзбекистон Республикаси

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

22-23 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2007 йил биринчи ярим йиллиги якунида бўйича ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари **С.Бекенов** маъруза қилди. Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси **А.Аҳадов** мазкур масала бўйича қўшимча маъруза қилди. Савол-жавоблардан сўнг муҳокама бўлиб ўтди, унда барча сўзга қўйилган фракциялар вакиллари сўзга чиқдилар.

Депутатлар мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати биринчи ярим йилликда даромадлар ҳақида икром этилганлигини, Вазирилик Маҳкамаси бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, солиқ тўшми механизмини такомиллаштириш,

бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар қабул қилинаётганини таъкидладилар. Ҳукумат томонидан, шунингдек, бюджетнинг биринчи навбатдаги ҳаражатларини, аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштириш ҳам таъминланди.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2007 йил биринчи ярим йиллиги якунида бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Қўмор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар

(Давоми 2-бетда).

НУКУС ШАҲРИДА «ЎЗБЕКISTONDA МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИ ЖАРАЙЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАЎТГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ» МАВЗУИДА ИККИ КУНЛИК СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастури билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти «Маҳалла» жамғармалари вакиллари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар аъзолари қатнашдилар.

Анжуман иштирокчилари юртимизда фаолият кўрсатаётган турли ташкилотларнинг аёллар меҳнат миграциясига боғлиқ масалалардаги ҳамкорлиги, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат миграцияси бўйича қонунчилиги ва бошқа масалалар ҳақида сўхбатлашдилар.

Эслаб ўтамиз, ушбу мавзудаги анжуманлар бир муддат олдин Тошкент ва Фарғона вилоятларида ўтказилган эди.

О. ФАЙЗЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2007 йилнинг дастлабки 6 ойида очилган жами иш ўринларининг

31 фоиз қасаначиликка тўғри келди.

Бандликни таъминлаш бўйича ҳудудий дастурлар талабларининг изчил бажарилиши, қасаначилик орқали иш ўринларини ташкил этаётган корхоналарга бир қатор имтиёз ва енгилликлар берилиши, шунингдек, қасаначилик шартномаларини тузиш бўйича кенг қўламли тушунтириш ишлари олиб борилганлиги туфайли ушбу кўрсаткичга эришилди.

Бошқача айтганда, ўтган даврда 96,1 миң киши қишлоқ ва йирик корхоналар билан шартнома тузиб, қўшимча ишга жалб этилди.

БИР ПАКАМ ШАРХИ

Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники!

16 йил

Айём тухфаси

Истиқлол байрами арафасида Ромитан туманидаги 26-маҳсул мактаб-интернат жамоаси Президент совғаси — «Isuzu» русумли замонавий автобусни қабул қилиб олди.

■ Ногирон болалар таълим-тарбия олаётган мазкур мактаб даргоҳида ана шундай қулай автотранспорт воситасига анданча буюн эҳтиёж сезилаётган эди. Ай-тиш жоизки, Ижтимоий Ҳимоя Илми Давлат дастурига мувофиқ, виллоятдаги етти та-

маҳсул мактаб-интернатни автобус билан таъминлаш назарда тутилган. Қуни кеча шундай билим масофаларининг яна тўртта-сигига янги автобуслар тухфа этилди.

И. ИБРОХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ижодкорлар Жиззахда

Жиззах виллоятда мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган «Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники!» мавзусидаги тадбирлар давом этмоқда.

■ Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Саъдулла Ҳаким, Азим Суён, Сирожиддин Сайид каби ижодкорлар, таниқли фан ва санъат арбоблари иштирокида Зомин, Фориш, Галлаорол туманларида ўтган учрашувлар жамоатчилигида катта таассурот қолдирди.

Таниқли ёзувчи Тоҳир Малик бошчилигидаги бир гуруҳ ижодкорлар эса Бахмал туманида бўлишди. Самимий суҳбатлар асосида мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, ёшлар тарбиясида адабиётнинг ўрни ва роли хусусида сўз борди. Меҳмонлар жойларда олиб борилган бунёдкорлик

ишлари билан яқиндан танишди.

Тадбирларда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши таъкидланди. Буларнинг барчаси Юртбошимиз раҳнамолигида амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар бераётган самаралардир. Истиқлол байрами олдидан ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар бу ҳақиқатни, мустақиллик берган имкониятларни янада теранроқ англашга ундайди.

Т. БЕКНАЗАРОВ,
ЎА мухбири.

Мустақиллик тенгдошлари

Андижон шаҳридаги Кўкон 3-топ кўчасининг 63-уйида истиқомат қилувчи Махлибон Жўраева Ватанимиз мустақиллиги билан тенгдош.

■ Қуни кеча унинг ҳаётида ўчмас из қолдирувчи қувончли тадбир бўлиб ўтди. Махалла фаоллари, ота-онаси, тенгқурлари даврасида Махлибонга Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти топширилди.

Шаҳар ички ишлар бўлимининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароларни рўйхатга олиш бўлими бошлиғи Абдуқосим Қўлдошевнинг таъкидлашича, мустақиллик эълон қилинган кунда дунёга келганлар сони 98 нафарни ташкил этади. 16 ёшга тулганлар эса 6257 нафар. Уларнинг барчасига фуқаролик паспорти тантанали суръатда топширилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маҳаллада қўшма корхона

Сирдарё виллоятининг Бобўст туманидаги «Бобўст-разъезд» маҳалласида «Хоразм маликаси» номи «Туркия-Ўзбекистон» қўшма корхонаси — гиламдўзлик цехи иш бошлади.

■ Устав жамғармаси 150 минг АҚШ доллари бўлган мазкур цех фойдаланишга топширилиши туфайли 40 нафар киши до-

имий иш жойига эга бўлди. Цех дастахона билан тўлиқ жиҳозланган ишчилар сони 60 нафарга етади.

А. ШЕРНАЗАРОВ,

Кўргазмада ютуқлар акси

Фаргона виллоят ўлкашунослик музейи ходимлари мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган учта йиллик кўргазма ташкил этдилар.

■ «Фаргона мустақиллик йилларида», «Гўзал юртим» ва «Гўзалликка ошурфта гуллар» деб номланган кўргазмаларда «Кварц» акциядорлик жамияти, Фаргона нефтини қайта ишлаш корхонаси, «Азот» ишлаб чиқариш маҳмуалари ҳақида хикоя қилинади. Шунингдек, ушбу кўргазмада халқ таълими, соғлиқни сақлаш, спорт, ҳунармандчилик соҳасида эришилган ютуқлар ҳам ўз аксини топган.

Таниқли мўйқалам соҳиб Муҳаммадхон Жўраевнинг портрет ва табиат манзаралари тасвирланган асарлари ҳамда ёш сураткашларнинг ижод намуналари ҳам томошабинларда илқ таассурот қолдирмоқда.

Н. СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Суратлар сўзлайди

■ Республика Бадий академиясига қарашли Тошкент Фотосуратлар уйида мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги ва Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон фотойилномаси: Самарқанд — Тошкент» деб номланган кўргазма очилди. Қадимий шаҳарлар тарихи, бугуни ва

кўрдек эртасидан хикоя қилувчи фотосуратлар иштирокида катта қизиқиш уйғотайди. Икки кўнча шаҳар — Самарқанд ва Тошкентга бағишланган кўргазма сентябрь ойининг охирига қадар давом этади.

М. ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

қасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш бўлиб, жоний тўғрисидаги қонунларнинг инсонпарварлик жиҳатларини кучайтириш ҳамда жоний ҳазорани либераллаштириш жараёнининг мантйқий давоми эканлиги таъкидланди.

Мудофаа ва ҳафсизлик масалалари қўмитаси аъзолари ўз мажлисларида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Улар бу Қонун Давлат чегараси ишончли тарзда ҳимоя қилинишини, чегара олди ҳудудларида ҳафсизликни ва жамоат тартибини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар самардорлигини оширишни назарда тутди, деб таъкидланди. Сенатнинг янги мажлиси кун тартибига киритиш мўлжалланган бошқа масалалар ҳам Қўмита томонидан кўриб чиқилди.

Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзолари «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш

ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Қонунни муҳома қилиш асносида амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар бирламчи тиббиёт ҳужжатларини юритиш бора-сида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган таххис қўйиш ва даволаш стандартларига давлат соғлиқни сақлаш тизимида ҳам, хусусий соғлиқни сақлаш секторидида ҳам риоя этиш шартлиги юзасидан тиббиёт муассасалари ва тиббиёт ходимлари олдида бир хил профессионал талаблар қўйиши таъкидланди.

Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси, шунингдек, Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисларида бўлажак янги мажлис кун тартибига киритилаётган қонунлар ва бошқа масалалар муҳома қилинди, жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар яқунлари таҳлил этилди.

Шу куну Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда парламент юқори палатасининг ўн биринчи янги мажлисида тайёргарликка таалуқли масалалар кўрилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

қиритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Ф.Ражабов депутатларга ахборот берди. Бўлиб ўтган муҳома жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари вақиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг зарурлиги ва ўз вақтида амалга ошириладиганини таъкидлаб, қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор тақлиф ва фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Қонунчилик қўмитаси киритилган тўзатишларни инобатга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси Қ.Тошматов тақдим этди. Ҳужжатни кўриб чиқиш жараёнида депутатлар уни такомиллаштириш юзасидан қатор тақлифлар билдирдилар. Киритилган тақлифлар ҳисобига олинган ҳолда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси Қ.Тошматов «Бюджет тизим тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг фазна иқроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида депутатларга ахборот берди. Савол-жа-

воблар ва ҳужжатнинг ҳар томонлама муҳомаасидан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қондаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Ражабов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонунчилик палатаси мажлисида сўзга чиққан депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаб, муҳома қилган, қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

«Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси тўғрисида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари И.Толибов маъруза қилди. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган муҳомама жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вақиллари ўз фикр-мулоҳазаларини баён этганларидан сўнг Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎА)

ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

Тадбирда босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари томонидан мамлакат ички ва ташқи сиёсати мақсад-вазифаларининг ёритилиши, тахрирларнинг манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотлари, мутахассис-экспертлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, сиёсий шарҳловчиларнинг касб маҳоратини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбатидида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, таълими вазирилик ва идоралар, жамоат ва нодавлат ташкилотлар вақиллари, мамлакатимиздаги етакчи ахборот агентликлари ва босма нашрлар раҳбарлари ҳамда шарҳловчилар иштирокида эътибор қаратилди.

Ю. БЎРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабар

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Radisson SAS» меҳмонхонасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ваколатхонаси томонидан чоп этилган янги нашрнинг тақдироти бўлиб ўтди.

«Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергияни риёвланган исотқоблар» номи мазкур иттиҳом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирилик билан ҳамкорликда тайёрланди.

Унда энергиядан фойдаланишнинг ҳозирги кундаги аҳоли ва қайта тикланадиган энергиядан фойдаланиш имкониятлари муфассал баён этилган. Бундан қўзланган мақсад мамлакатимизда муқобил энергетика имкониятларига нафақат илм-фан, балки кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш ва шу орқали аҳолига янги соҳани кенгроқ таништиришдан иборатдир.

Таъкидландики, қайта тикланувчи энергия манбаидан фақат ривожланган мамлакатларда фойдаланиш мумкин ёки у иқтисодий жиҳатдан самарасиз, қабилҳаридан нотўғри тасаввурлар ҳам йўқ эмас. Тақдирот маросимидида сўз олган мутахассисларнинг айтишича, бундай қараш мутлақо асоссиз бўлиб, янги энергия манбаи ҳам арзон, ҳам экологик жиҳатдан безарар. Энг муҳими, қайта тикланадиган энергия технологияларини таъбиқ этиш ўтиш даврини бошидан кечириб келган мамлакатлар учун ҳар томонлама қулайдир. Ана шу жиҳатлар сабаб муқобил энергия «келажак энергияси» дея эътироф этилаётди.

САИД РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Арафа

Карнай-сурнай, ноғора, доиранинг жаранлаган овози ҳаминша яхшиликдан, хушхабардан дарак беради. Уни эшитган киши беихтиёр тўйга ошиқади. Қадим «Бешбўғ» даҳаси — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи кунга кунга тўйхонага айланди. Карнай-сурнай қорлови пойтахтимиз маҳаллалари аҳлини, ташкилот, корхоналар ишчи-хизматчиларини, қўйиники, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барчани мушталам боққа тақлиф этди. Бу ерда мамлакатимиз иттиҳомининг 16 йиллиги арафасида катта халқ сайли бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг сая-ҳаракати билан уюштирилган мазкур тадбирнинг аҳамиятли жиҳати бу ерга ташир буюрган ёшу қари — барча меҳмонларга манзур бўладиган дастурлар тайёрлангани бўлди.



МИЛЛИЙ БОҒДА ХАЛҚ САЙЛИ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, албатта. Мен Ўзбекистондаги эҳлиқил фаолиятим мобайнида юртингизнинг деярли барча ҳудудларини кўриш шарафига муяссар бўлдим. Боғдан жойларимда мамлакатларини ўртасида қарор топган ўзаро ишончли ва самарали ҳамкорликка мисол бўла оладиган ана шундай қўлаб лойиҳалар жиҳосига гувоҳ бўлдим. Германия билан сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келадиган, шунингдек, бизнинг мамлакатимизда қўлаб дўстлар орттирган ҳамюртларингиз билан деярли ҳар кун учрашаман. Ишонтириб айтаманки, Германияда Ўзбекистонни Осённинг бошқа мамлакатларидан кўра яхшироқ билишди. 15 йиллик ҳамкорлик — катта муддат. Бу вақт мобайнида ўзаро ҳамкорликда амалга оширилган ишларимиз билан фарқланганимиз мумкин. Бу — Ўзбекистон билан Германия ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдевори яратилганидан яна бир далиллардир.

Биз ҳамкорликни кенгайтириш борасида барча шарт-шароитлар мурасид эканлигини даъво қиламан. Шу боис келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик қўлабини янада кенгайтиришга, жумладан, соғлиқни сақлаш, Ўзбекистоннинг иқтисодий юксалишини қўлаб-қувватлаш, касбий таълим, ижтимоий ҳимоя, микрокредитлар ажратиш, уларни, айниқса, қишлоқ жойларга кўпроқ йўналтириш, қишлоқ ҳўжалиги зарарқўндаларига қарши кураш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид йўналишларга эътибор янада кучаяди.

Назаримда, сайёҳликни ривожлантириш ҳам ўзаро ҳамкорликнинг ана шундай истиқболли соҳаларидандир. Ўзбекистон — катта иқтисодий са-

лоҳиятга эга мамлакат. Бу салоҳиятнинг тўла ишга солинадигани ҳалқингиз фаровонлигининг янада кўрсатишга хизмат қилади.

Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишга доир лойиҳалар ҳам самарали амалга оширилмоқда. Энциклопедия бу борада Германия Тех-

маҳсулотлар рақобатбардошлиги билан ном қозонган. Менга Ўзбекистонликлар Германия товарларига кўпроқ мойиллик билдириб, немиш технологияларини бошқалариникидан кўра афзалроқ қўришаётгандек туюлади. Германияда ишлаб чиқарилган товарлар нархи юқори бўлса-да, анча харидордир.

Маттиас МАЙЕР:

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИГА ҚАТЪИЙ ИШОНАМАН

ник ҳамкорлик жамияти билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда. 2007 йилнинг бошида Ўзбекистонда «Германия Уйи» очилгани лойиҳаларимизнинг мамлакатингиз жамоатчилиги ўртасидаги обрўсини оширишга хизмат қилмоқда.

Бинобарин, бизнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг келажакдан умидимиз катта. Мен Марказий Осённинг бошқа мамлакатларига ҳам кўп борганман. Аммо, уларнинг бирортасида ҳам Ўзбекистондаги каби ниндаги ривожланишни кўрмадим. Мамлакатингизда юксак даражада ривожланган автомобиль ва темир йўл тизими барпо этилган. Барча йўналишлар буйича, жумладан, яқинда Қашқадарё ва Сурхондарё виллоятларида қўриб битказилган янги темир йўл магистралли Ватанингизнинг тараққиётини хизмат қилади. Ўзбекистоннинг келажак буюк эканлигига ишончим қомил. Биз, немишлар, мамлакатингиз билан янада яқин ҳамкорлик қилишдан манфаатдоримиз. Германияда ишлаб чиқарилган

маҳсулотлар рақобатбардошлиги билан ном қозонган. Менга Ўзбекистонликлар Германия товарларига кўпроқ мойиллик билдириб, немиш технологияларини бошқалариникидан кўра афзалроқ қўришаётгандек туюлади. Германияда ишлаб чиқарилган товарлар нархи юқори бўлса-да, анча харидордир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги келгуси ҳамкорлик алоқаларида иқтисодий муносабатлар жуда муҳим ўрин тутди. Шу боис ўзаро товар айирбошлаш ҳам яқин келажакда, шакл-шубҳасиз, янада ошади. Биз Ўзбекистон билан жуда яқин муносабатлар қарор топганидан мамнунимиз. Шу сабабли ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириб бораверамиз. Ўзбекистонда қатор йиллардан бунён фаолият юритиб келадиган Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар юртингизда ишонч қозонган. Муҳомадалар чоғида ижтимоий ҳаётга оид қўлаб масалалар юзасидан биз ҳамфикр эканлигимиз аён бўлади. Бундай тадбирларда иштирок этарканман, ўртамақдаги ўзаро ишонч ва ҳамфикорлик нечоғли қучли эканлигига кўп бор амин бўлганман. Мен Ўзбекистон жамоатчилиги ўртасида Германияга ишонч янада мустаҳкамлаш, муносабатларимизни фаоллаштириш учун бундан бунён ҳам кўч-ғайратини аямаяман.

— Элчи жаноблари, Ўзбеки-

стонда амалга ошириладиган ўзгаришлар ҳақида қандай фикрласиз?

— Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга ошириладиган долзарб ислохотларни биз ҳар томонлама қўлаб-қувватлаймиз. Айниқса, мамлакатингиз учун улкан аҳамиятга молик суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни ало-

ҳада қизиқиш билан қузатиб бормоқдаман. Улим жазосини бекор қилиш ва ҳибсога олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар иштироғига ўтказиш — гоёт муҳим қадамлардандир ва биз бундай хайрли ишларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаймиз. Ўзбекистон ҳукумати сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунчиликка айрим ўзгаришлар киритиш, шунингдек, ҳоржий қарорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш борасида самарали ишларни амалга оширмоқда. Бундай ислохотларни амалга оширишда Германия Ўзбекистондан ўз ёрдамини аямаяди. Бизда ўтиш даври жараёнлари борасида яқин тажриба тулганган. Биз бу жараёнларни амалга ошириш нечоғли мураккаб эканлиги ва бу ишга зарурлигини яқин англаймиз.

Элчи жаноблари, 1 сентябрь куну Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг 16 йиллигини кенг нишонлайди. Шу байрам муносабати билан Ўзе-

бекистон халқига тилақларингиз... — Германия Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган давлатлардандир. Қудратли, барқарор ва келажакга парлоқ давлатингиз Марказий Осёда муҳим ўринга эга. Германиянинг Европа Иттифоқи Кенгашига раислиги даврида ишлаб чиқилган Марказий Осё буйича стратегияда

Ўзбекистонга катта эътибор қаратилган. Биз чуқур ўйлаб, узқоқи қўлашимиз, ҳавфсизликни таъминлашни, мамлакатлар иқтисодий эркин ривожланишни, чегаралар очилишини, эркин меҳнат бозорлари кенгайишини, одамларнинг фаровонлиги ошини мақсад қилган ҳолда ҳамкорлик қилишимиз лозим.

Ўзбекистон халқига тинч ва ошуда ҳаёт, қўшилар билан дўстлиги, мамлакатдаги миллатлараро тотувлик янада мустаҳкамлашни тилаймиз. Ҳуқуқий давлатга оид қадриятлар ва демократик эркинликларга келсақ, мамлакатингизда бу борада изчил ислохотларни амалга ошириладиган қўлаб-қувватлаймиз. Ўзбекистон мустақиллик йилларида улкан ютуқларни қўлга киритди. Биз мамлакатингиз ўзи танлаган йўлдан изчил боришини ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган ислохотлар янада юксак самаралар беришини тилаймиз.

ЎА мухбири
Эмурод ЮНУСОВ
суҳбатлади.



АСАЛ ТАНЛАШДА АДАШМАНГ

“Халқ сўзи” газетасининг 13 июль сонидида чоп этилган “Асалнинг “тоза”сидан борми?” мақоласи мени бефарқ қолдирмади. Сабаби, унда бугун кўпчиликини ўйлантираётган масала – сохта асални қандай аниқлаш, асаларичиликни ривожлантириш бўйича атрафлича фикр-мулоҳаза юритилган.

Бироқ кейинги пайтларда асалнинг “тоза”сини топиш маҳол. Негаки, баъзи уддабурон “асалфурушлар” мўмай даромад топиш мақсадида бу неъматга шаккар қиёми, крахмал қўшиб, асал баҳосида сотишмоқда.

Хўш, муаллиф таъкидлаганидек, “тоза” асал қандай аниқланади? Бу борадаги биланларимиз сизга асқотади, деган умидданам.

Собит ибн Курранинг таърифлашича, асл асал оловда ёниши керак. Асалнинг қўёмдан фарқлашининг янаям оддий ва қулай усули уни қимбвий қалам билан аралаштириб

кўришдир. Агар қалам учи теккан жой зангори тус олса, билинги, у асл эмас.

Асал таркибини сувда эритиб кўриб ҳам билса бўлади. Чунки у сувда яхши эрийди. Эритма тағида қўйқали чўкинди

ҳосил бўлса, таркибига бошқа нарсалар қўшилган. Нима эканлиги билан қизиқяписми? Унда эритмага бир-икки томчи йод томизинг. Ҳаворанг тусга кирса, унга крахмал қўшилган. Агар асални қўлайтириш учун бур қуқунни аралаштирилган бўлса, уни эритмага озгина сирка томизиш орқали аниқлаб олса бўла-

ди. Бу усул қўлланилганда, чўкинди кўпириб кетади, яъни карбонат ангидрид ажралиб чиқади.

Асал харид қилиш чоғида унинг рангига ҳам алоҳида эътибор беринг. У нуқраранг бўлса, қанд қўшилган. Мабодо қорамтир бўлиб, асалга хос ҳиди паст бўлса, крахмал қўшилганидан далолатдир.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Одатда, бозорлардаги махсулотлар, жумладан, асал ҳам ветеринария-санитария экспертизаси лабораторияси ходимлари томонидан сифат аниқлангандан сўнггина сотишга рухсат берилган. Бозорларда сифатсиз асал пайдо бўляптими, демак, бу назорат сўяганини ҳам билдиради. Бунга ҳеч биримизнинг бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим.



ЖАҲОН

24 соат ичида

Чегарадаги муаммо

Шу кунларда Латвия-Россия чегарасидан ўтиш учун навбат кутиб турган машиналар қатори бир неча километрни ташкил этмоқда.

Масалан, сешанба кuni эрталабгача «Терехово-Бурчи» назорат ўтиш йўлида 1277 та автомашина Россияга ўтиш учун навбат кутиб турди.

Вазиятни таҳлил қилган Латвия бош вазири Айгар Калвитис муаммони яқин вақт ичида ҳал этиб бўлмаслигини билдирди. Унинг таъкидлашича, бунинг учун янги йўллар, янги назорат ўтиш йўлаклари қуриш лозим.



«Россия ва Европа Иттифоқи ўртасидаги юк ва йўловчи поездлар қатновини қўлайтириш билан ҳам ушбу масалани ҳал этиш мумкин», деди у.

Бангладешда

комендантлик соати

Бангладеш пойтахти Дакка ва олти музофот маъмурий марказларида комендантлик соати жорий этилди. Бу ҳақда АРР хабар тарқатди.

Вақтли ҳукумат матбуот котиби Фахим Мунаимнинг таъкидлашича, комендантлик соати жорий қилинган барча шаҳарлардаги коллеж ва университетлар ёпилади. Бундан ташқари, ушбу шаҳарларда таҳсил олаётган талабалар ўз ётоқхоналарини тарк этишлари лозим.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг январь ойида парламент сайловлари бекор қилиниб, сиёсий партияларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилган. Талабалар бунга қарши норозилик намоийшлари ўтказмоқда. Бу намоийшлар кўпичинча полиция ва талабалар тўқнашувига айланиб кетаяпти.

Ким кўп чекади?

Galup хизмати қайси мамлакатда тамаки чекувчилар сони кўп эканлигини аниқлаш мақсадида аҳоли ўртасида сўрвонма ўтказди.



Озарбойжон, индонезияликларнинг 36 фоизи тамаки чекади.

Нигерияда эса аҳолининг бор-йўғи 6 фоизи, Сальвадор ва Гана аҳолисининг 8 фоизи бу зарарли одатга ўрганишган.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, ҳар йили ер юзиде 5 миллион нафарга яқин одам чекиш билан боғлиқ хасталиқлардан вафот этмоқда.

Тинч аҳоли ҳалок бўлди

ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги хабарига қараганда, кеча Афғонистонда беш нафар тинч аҳоли ҳалок бўлган. Уларни польшалик аскарлар отиб ўлдирган.

Польша миллий мудофаа вазирлиги вакили Ярослав Рибакнинг таъкидлашича, поляк аскарларини олиб кетаётган БТР минаяга дуч келган. Худди шу пайтда уларга толиблар ҳужум уюштирган. Отишмалар чоғида тинч аҳоли ҳам ҳалок бўлган.

Ҳозир Афғонистонда 1100 нафар польшалик ҳарбий хизматчи бор. Уттан давр мобайнида уларнинг биттаси ҳалок бўлди, тўрт нафари эса жароҳатланди.

5 тонна кокаин қўлга тушди



Тинч океанида бортига 5 тонна кокаин ортилган кема қўлга тушди. FoxNews тарқатган хабарда айтили-

шича, кема АҚШнинг Флорида штати томон кетаётганда мамлакат чегара ва боқхона хизмати ходимлари томонидан тўхтатилган. Кемадаги тўрт киши камқоққа олинди. Экспертларнинг таъкидлашича, 11 та қолга жойланган наркотик модданинг баҳоси 352 миллион долларни ташкил этади.


Олти эмас, етти йил

Венесуэла парламенти олти соатлик тортишувлардан сўнг биринчи ўқида президент Уга Чавес таклиф қилган конституцияни ислоҳ қилиш лойиҳасини маъқуллади, дея хабар тарқатди Associated Press.

Конституцияга киритилган ўзгаришга мувофиқ, энди президент олти йилга эмас, етти йилга сайланади. Бундан ташқари, унинг неча марта кетма-кет сайланиши чегараланмайди.

Парламент яқин икки-уч ой ичида конституцияни ислоҳ қилиш лойиҳасини тўла тасдиқлаш лозим. Шундан сўнг ушбу масала бўйича умумхалқ референдуми ўтказилади.

«Ақлли бомба»лар



Эрон мудофаа вазирлиги вакилининг баёнотида қараганда, мамлакатда бир неча кун ичида вази 900 килограммни ташкил этувчи «ақлли бомба»лар ишлаб чиқарила бошланади. Бомбанинг бундай аталишига сабаб, унинг ичига электрон кузатув тизими ўрнатилган.

Харбий экспертларнинг таъкидлашича, бундай бомба санокли давлатлардаги на ишлаб чиқарилади. Энди Эрон улар сафига қўшилди. NEWSru Israel хабарига ай-

тилишича, бомба синодан муваффақиятли ўтган. Уни ишлаб чиқариш бошлангандан сўнг мамлакат ҳарбий ҳаво қулалига қарашли F-4 ва F-5 самолётлари шу бомба билан қуролланади.

Тошқин келтирган зарар

АҚШнинг гарбий қисмида сув тошқини рўй берди. Оқибатда 22 нафар аҳоли ҳалок бўлди, минглаб тураржойлар ва автомобиллар сув остида қолди. BBC News хабарига айтилишича, табиий офат рўй беришига бир неча кун давоминда тинимсиз ёқдан ёмғир ва «Эрин» бурони сабаб бўлган.

Табиий офатдан асосан Оклахома, Техас, Висконсин, Миннесота, Огайо ва Миссури штатлари катта зарар кўрди.

Хоризк матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

*Пахта – миллий бойлигимиз.
Бу бойлик эса Муस्ताқиллик
тўфайлигина ўзимизники бўлди,
уни ўзимиз тасарруф этаямиз.
Ўзбекистон пахта толаси
етиштириш бўйича дунёда етакчи
ўринлардан бирини эгаллайди.
Жаҳон тўқимачилик саноатида
ўзбек толасига талаб юқори.
Эл-юрт бойлигига баҳрли
қудрат ҳисса қўшаётган*

«САМАРҚАНДПАХТАСАНОАТ»

ХУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон пахтакорларини
ва барча халқимизни*

*Муस्ताқилликнинг
16 йиллик*

*байрами билан
муборакбод этади.*

*Улғў Истиқдолнинг йўли
пахтамиздай оппоқ бўлсин!*



Пойтахтда ва юртимизнинг бошқа гўшаларида
бунёдкорлик ишларини бажараётган, ўнлаб
муҳташам коллеж ва лицейлар, кўркам тураржойлар,
офислар қуриб она диёримиз ҳуснига ҳусн қўшаётган

«БИНОКОР»

ЛОЙИХА-ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ
УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини
Истиқлол байрами билан
самимий табриклайди!

1991-2007

Соҳибқирон Амир Темураббосимиз ҳақли равишда
фахрлангани каби муҳташам бинолар барпо
этаверайлик, ҳамيشа юртимиз тинч,
осмонимиз мусаффо, элимиз дастурхони
тўкин бўлсин!



Ҳурматли ватандошлар!



«Асака» банки

Сизларни кириб келаётган айём —

Мустақиллик куни

билан табриклайди

ва ўз жамғармангизни миллий валютадаги
янги муддатли «Мустақиллик—2007»
омонатига қўйишни таклиф этади.

Омонатнинг энг кам миқдори — 100 000 сўм.

Сақлаш муддати — 3 ой.

Омонатга йиллик 25% ҳисобланади.

Омонатчининг хоҳишига кўра ҳисобланган
фоизлар ҳар ойда берилади.

Омонатга маблағлар
2007 йил 5 сентябргача қабул қилинади.

Омонатни банкнинг барча филиалларига қўйишингиз мумкин.

«Асака» банки — маблағингизнинг сақланиши
ва кўпайишига қафолат.

Сизнинг барча омонатларингиз
Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш
фонди томонидан қафолатланади.

Хизматлар лицензияланган

Маълумот учун телефонлар:
120-86-97, 120-86-87, 120-82-60, 120-81-73.

Аҳоли ва харидорлар диққатига!

Аҳолининг мева-сабзавот,
полиз маҳсулотларига бўлган
эҳтиёжини янада тўлароқ
қондириш мақсадида

«ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИНГ
КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА САВДОСИ
РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ»
ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ БИНОСИДА


25 — 30 август кунлари

республика фермер ва деҳқон хўжаликларига
етиштирилган қишлоқ хўжалик
маҳсулотларининг

САВДО ЯРМАРКАСИ

ўтказилади.

Ушбу ярмаркада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари,
шу жумладан, ҳўл мева, картошка, пиёз, тухум, гуруч,
полиз ва гўшт маҳсулотларини харид
қилишингиз мумкин.



Ярмарканинг иш тартиби соат 9.00 дан 19.00 гача.
Манзил: Шайхонтоҳур тумани,
Беруний кўчаси, 41-уй.

Ярмаркага марҳамат!

«ЎЗУЛГҲРЖИСАВДОИНВЕСТ» УЮШМАСИ.

Drive your way

Тел.: 215-89-89,
215-83-38. Қафолат — 2 йил. Маҳсулот сертификатланган.

EURO2008 | HYUNDAI Official Partner | www.hyundai-motor.com

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Яқинда Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида халқаро мода фестивали бўлиб ўтди. "Ипак йўли-2007" деб номланган ушбу нуфузли анжуманда юртимиз вакиллари тўртинчи бор иштирок эттиди. Бу эса ташкилотчиларнинг дизайнерларимиз фаолиятига эътибори баландлигидан далolatдир.

ли кийим урф бўлган. Уларнинг сони ва кўлланишига қараб одамларнинг насл-насаби, турмуш тарзини аниқлаш имкони бўлган. Шунингдек, либосларимизда иклим шароити, касб-кор ва бошқа хусусиятлар нуқтadонлик билан ҳисобга олинган. Умуман, Шарқ либосларининг шу каби ўрганиладиган ва татбиқ этиш-

хос йўналишларини топа олган. Буларнинг бари, албатта, юртимиз мода санъати жаҳон миқёсида юксак баҳога лойиқ эканидан далolat, десак муболага бўлмайди. — Бу борада "Осиё рамзи" уюшмасининг ўрни қандай? — Уюшмамиз ташкилотчиларнинг умумий йиғилиши асосида



да ёш модельерларимиз Ченжада бўлиб ўтган "Подיום — 2007" танловда юқори баҳо олишди. Кўп ўтмай, Бухоро шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъ-

ни имзолагани бу борадаги ишлар самарасининг яна бир бор буй кўрсаткичига сабаб бўлди. Бу каби муваффақиятлар барчамизни қувонтиради, албатта. Аммо ҳар бир соҳанинг обрў-эътибори унинг мамлакат ҳаётидаги аҳамияти билан белгиланади. Шу маънода, дизайн ва мода соҳаси нимаси билан муҳим, деб ўйлайсиз?

— Энг аввало, миллий либос халқ маданиятининг ажралмас қисмидир. Уларда миллатнинг тарихи, менталитети ва фалсафаси ифодаланади. Бошқача айтганда, миллий либослар орқали дунё кишиларига халқимизнинг маданияти, маънавияти ҳақида яқол тасаввур уйғотиш мумкин. Биз ушбу соҳани ривожлантириш орқали дунё ҳамжамиятида мамлакатимиз нуфузини янада юксалтиришни мақсад қилганмиз. Кўпчилик мода ва дизайнни санъат, бошқалар эса санъат билан боғлайди. Мен бу соҳани санъат ва санъат уйғунлигидаги яхлит бир илм, дегим келади. Яъни, дизайн ишлаб чиқаришда катта моддий фойда келтириш билан бирга ўзимизга ва ён-атрофимизга курб бағийлайди. Энг асосийси, у инсонларда дилди тарбиялайди.

«ОСИЁ РАМЗИ»НИНГ КЎРКАМ ЛИБОСЛАРИ

га арзийдиган ҳижатлари кўп. Истиқлолдан кейинги иқтисодий ислохотлар қанотида тўқимачилик санъати ҳам ривожланди. Нафақат тонални қайта ишлаш, балки тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариши йўлга қўйилди.

Яна бир гап. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан кўлаб мода фестиваллари, дизайн бораида давомий намоишлар ўтказиб келинмоқда. Бу эса истеъдодларни юзага чиқариш, юқори малакали дизайнерларни етиштириш имкони бермоқда. Хусусан, Тошкент тўқимачилик ва энгил санъат институтида ташкил этилган "Модалар театри" бундай ёшлар учун амалиёт мактаби вазифасини ўтамоқда.

Пойтахтимиздаги "Дом стили"да фаолият олиб бораётган дизайнерлар ижодида ҳам ранг-баранглик кўзга ташланади. Кимдир "авангард", яна кимдир "гламур" ёки "прет-а-порте" йўналишларида либос яратпти. Аплақачон халқаро миқёсда танилиб улгурган номлар ҳам бор. Шароф Отабаев, Гулнора, Саида Амир, Раъно Кафиева каби дизайнерлар ўзига

2004 йилнинг 4 август куни ташкил этилган. У ижодкор ёшларни ҳар томонлама кўлаб-қуватлаш, фестиваль ва танловлар ўтказиш каби иқтисодий мақсадлар билан бирга миллий дизайн ва мода бизнесини ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда дунё бозорига чиқишдек иқтисодий вазифаларни ўз зиммасига олди.

Шунинг натижасида, мана икки йилдирки, нуфузли кўлаб мода ва танловларда фаол иштирок этаётган. 2005 йилнинг 26 февраль — 5 март кунлари Польшанинг Познан шаҳрида бўлиб ўтган халқаро ярмаркада қатнашиб, фехрий ёрлг ва манфаатли тақдирлар билан қайтди. Юртимизда эса уюшма ташаббуси билан "Тўқимачилик, энгил санъат учун технология ва хижозлар" деб номланган кўргазма ташкил этилди. "Миллий либос" республика фестивалининг саралаш босқичлари ўтказилди.

Ўтган йили бўлиб ўтган "Болжонлар-ширинтойлар" номли ёш дизайнерлар фестивали бутун мамлакатимизда катта қизиқиш уйғотди. Жорий йил боши-

ати форуми" жамғармаси билан бирга "Ўзбек либоси: анъаналар ва замонавийлик" номли фестиваль ташкил этилди.

Франция пойтахти Парижда уюштирилган тадбир юртимиз маданиятида тарихий воқелик сифатида муҳрланиб қолди. Ўзбекистонлик ёш модельерлар энг обрўли саҳнада — жаҳон санъати дурдоналарини жамлаган Лувр мажмуасида ўз ижод намуналарини намоиш эттиди. Ушбу маданий анжуманининг Фарб оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилган, ЮНЕСКОдек нуфузли ташкилотнинг "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан ҳамкорлик Меморандуми

Ха, "Осиё рамзи" уюшмаси ёш бўлишига қарамай, дунё миқёсида катта муваффақиятларга эришмоқда. Аммо бунини фақатгина дизайнерларимизнинг ютуя дея баҳолаш тўғри эмас. Негаки, дизайн ишлаб чиқаришда худудам зарур бўлган гузаллик, қулайлик ва сифатлилик каби омилларни ўзида муҷассам этади. Дунё иқтисодийётида бу соҳанинг маркетинг ва рекламадан-да муҳимроқ саналиши ҳам беҳиз эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, дизайнерларимиз муваффақиятининг мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораётганининг яна бир ифодаси, дейиш мумкин.

"Халқ сўзи" мухбири Анвар САМАДОВ суҳбатлашди.

ЭНГ НАМУНАЛИ МАСЛАХАТЧИ

Жиззах вилоятидаги Олмазор маҳалла фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиси Махфират Бердиева диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича энг намунали маҳалла маслаҳатчиси деган номга сазовор бўлди.

У 250 нафарга яқин касб-дошлари ичида вилоятда биринчи деб топилди. Анъанавий тарзда ўтказилаётган бу танлов маҳалла аҳлининг гамини ейдиган, атрофдагиларни ташаббус-

Танлов корликка ундайдиган маслаҳатчиларни рағбатлантиришга қаратилган. Бош совринни кўлга киритган Махфират

опа энди танловнинг Истиқлолимиз шодибаналари арафасида ўтказиладиган республика босқичида иштирок этади.

Б. САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

"ФУҚАРОЛАРНИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ТОШКЕНТ МИНТАҚАВЙ БЮРОСИ"

Польша Республикасида шартнома асосида дурадгор-дастгоҳчи мутахассислиги бўйича меҳнат фаолиятини олиб бориш истагида бўлган фуқаролар ишга тақлиф этилади.

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- ёши — 25-50 гача;
- кўрсатилган мутахассислиги бўйича иш малакаси 5 йилдан кам бўлмаганлар;
- мутахассислигини тасдиқловчи гувоҳномаси бор шахслар;
- рус тилини билишлари шарт.
Зарурий ҳужжатлар:
- паспорт (асли) ва барча бетлари нусхаси — 5 дона;
- ҳарбий гувоҳнома (асли) ва нусхаси — 2 дона;
- сўралган мутахассислик ва соҳа бўйича билимининг тасдиқловчи ҳужжат: диплом ёки сертификат (асли) ва нусхаси — 1 дона;
- меҳнат дафтарчаси (асли) ва барча бетлари нусхаси — 1 дона;
- 3x4 ҳажмидаги фотосурат — 6 дона;
- конверт ва ҳужжатлар папкаси.

Ҳужжатлар эълон чоп этилгандан бошлаб 31 августга қадар қабул қилинади.

Ҳужжат ва аризалар куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Коратощ кўчаси, 44-уй, 1-қават, 9-хона. Мўлжал: Хадра майдони, SAMSUNG мебеллар дўкони орқасида. Маълумот учун телефонлар: 134-44-13, 227-08-78.

Газ уюмжи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар аиққатига!

"Крокус Газ Сервис" КК

"Сигнал" ва "Газдевайс" ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон худудидаги расмий вакили куйидагиларни тақлиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортoқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар "Ўзстандарт" агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

"АГАТ" РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧANAЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчaгичлари.

- Ўлчаш диапазонлари:
- "АГАТ" G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- "АГАТ" G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- "УБСГ" 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- "УБСГ" 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- "УБСГ" 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар "Ўзстандарт" агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, "МоштабиБ" кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

ҚУРУВЧИЛАР СОВҒАСИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига қизгин ҳозирлик қўйилаётган шу кунларда навоийлик қурувчилар ўз байрам совғаларини тайёрладилар.

Вилоятда қатор янги коллежларда қурилиш-ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етди. Жумладан, Навоий шаҳридаги спорт коллежи, Навоий техника-иқтисодий коллежи, Зарафшон тиббиёт коллежи, Навбахор туманидаги педагогика коллежи, Кармана ва Хатирчи туманидаги қишлоқ ҳўжаллиги коллежлари янги ўқув йилига шайлаб қўйилди. Навоий вилояти капитал қурилиш инжинеринг компанияси директори ўринбосари Музаффар Ҳайитовнинг айтишича, жорий йилнинг ўтган даврида коллежлардаги қурилиш-монтаж ишлари учун қарий 10 миллиард сўмлик маблағ сарфланган. Шу кунларда улар мебель ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Ёркул УМАР, ЎЗА мухбири.

Байрам дастурхонига

Истиқлол байрами арафасида Тошкентда вилоятлар қишлоқ ҳўжаллик маҳсулотлари ярмаркаларини ташкил этиш анъананага айланган. Андижон вилояти деҳқонлари эса пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Фарҳод» бозорида йил давомида шундай ярмаркаларни уюштириб келмоқда.



ҲАМ СИФАТЛИ, ҲАМ АРЗОН



— Ярмаркани сифатли ва арзон қишлоқ ҳўжаллик маҳсулотлари билан таъминлашда Бўз, Шаҳрихон, Булоқбоши, Марҳамат, Андижон, Пахтаобод, Жалақудук туманлари миришкорларининг ҳиссаси катта бўлаяпти, — дейди вилоят вакили Камолиддин Ҳамидов. — Шу кунгача 14 минг тоннадан зиёд маҳсулот сотдиқ.

Ярмарканинг мунтазам фаолият кўрсатаётганидан, айниқса, харидорлар хурсанд. Чунки андижонлик деҳқонлар келтирган шириндан-шакар узум, олма, нок, шафтоли каби мевалар, поллиз ва сабзозат маҳсулотлари бозорда нарҳинг арзон бўлишини таъминлаяпти.

СУРАТЛАРДА: ярмаркадан лавҳалар. Абдувосит ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

2007 йил 28 августдан бошлаб

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспортга йўналтирилган маҳсулотларининг

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган — 2007»

анъанавий кўргазмаси бўлиб ўтади

Кўргазма бўлимларида:

- илмий технология маҳсулотлари
• иқтисодийнинг нефть, газ, тоғ-кон қазииш, металлургия, қурилиш материаллари соҳаларининг маҳсулотлари
• энгил, кимё, фармацевтика санъатлари корхоналарининг маҳсулотлари
• мебель
• транспорт хизматлари ва туризм
• узли алоқа хизмати ва бошқалар

Ўзэкспомарказ Марказий павильон

Made In Uzbekistan

Ташкилотчилар:



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги



Богланиш телефонлари: (99871) 138-56-10, 138-56-35, 138-56-11. Факс: (99871) 138-56-10, 134-40-88, 134-54-40.

Advertisement for Belarus tractors, featuring the text 'МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ' and 'МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ' along with images of tractors and contact information for AMMAZ ARSENAL.

Advertisement for 'ХАЛҚ СЎЗИ'га ЭЪЛОНЛАР, featuring contact information for advertising and a phone number 136-09-25.




«Самарқанд ранг-тасвир мактаби»

Регистондаги «Чорсу» тасвир санъат галереясида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб «Самарқанд ранг-тасвир мактаби» деб номланган бадиий кўргазма очилди.

Унда 70 дан ортиқ ранг-тасвир асарлари ва самарқандлик рассомлар ижоди намойиш этилмоқда. Мозийдан сўзловчи асарлар томошабинни фикрлашга, мушоҳада қилишга ундайди.

Ийгириманчи асрининг бошларида Самарқанд ранг-тасвир санъатининг шаклланишида мазкур кўна замин фарзанди Л. Бурзининг ижоди муҳим ўрин тутди, — дейди Самарқанд Бадиий ижодкорлар уюшмаси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нуриддин Калонов. — У меъморий ёдгорликларнинг одатий тасвирларидан қочиб, янги қўриқларини яратди. Мусаввирнинг ушбу кўргазмадан жой олган қатор асарлари ҳам буни яққол исботлаб турибди.

Абдураул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



НАҚШУ НИГОРЛАРДАГИ ҲИКМАТ

Шердор мадрасасининг жозиба қабл этишида XVII асрнинг иккинчи ярмида (1619-1635) Самарқанд хожиси Ялангтўшбий Баҳодир Саидқул ўғлининг катта ҳиссаси бор. Ялангтўш кудратининг рамзи мадраса равоидаги икки қуёш тағдда — оҳуларга ҳамла қилаётган шерлар тимсолида ифодаланган. Мадраса самарқандлик меъмор Абдуҷаббор лойиҳаси бўйича 19 йил давомида қурилган. Бе-зақларни эса уста Муҳаммад Аваз Самарқандий зийнатлаган.

Шу ўринда бир ҳижат киши эътиборини тортади. Уста Муҳаммад Аваз Самарқандий улкан бино пештоқини бе-заҳда қандай мақсадни назарда тутган? Қарийб тўрт асрдики, дунё олимлари мазкур тасвирнинг сирини қизиқдилар. Бунинг сабаби шундаки, тасвирни таҳ-лил қилиш ва ундан тўғри хулоса чиқариш учун қўмусий илмдан хабардор бўлиш талаб этилади. Жумладан, безакни таҳ-лил қилиш учун нақшошлик санъатини, шу билан бирга рақсийлик аликфосини, астрология, психология, тасавуф, фал-сафа, мантик, тарих каби илмлардан бо-хабар бўлиш лозим. Демак, меъмор ана шу илмлар пешвоси бўлгани аниқ. Шу-нинг учун ҳам Муҳаммад Аваз Самар-қандий мадраса пештоқига мана бу шеърни ёзиб, тасвирдаги моҳиятни фа-қат кўчи билгим соҳибларига ўқий оли-ши мумкинлигига ишора қилган.



Кўп тиришиб, илмдан боғлаб ҳам қанот, Ақлинг лоқиш эмолмас, хайхот! Милора учига ташлаб ҳам каманд, Фикрининг даровизи чиқолмас ҳарчанд. Тоқига муҳандис беранда орой, Осмон бармоқ тишлаб, деди:

«Янги ой!» Ялангтўш Баҳодир куйсанчун асос, «Ялангтўш Баҳодир» — тарихига мос.

Дарҳақиқат, Регистонга ташриф бу-юрган одам Шердор мадрасаси безак-ларини томоша қилар экан, унинг хайли-га чексиз саволлар ёғила бошлайди. «Дунёда шер каллали йўлбарс ҳам бўла-дими?» «Инсон қиёфасидаги иккита би-ри хил хол не маънони аналатади?» «Шер танасидаги зулқисмон қора шакллар ва думалоқ оқ шакллар нимага ишора қилинган?» «Оқу боласининг баданидаги яшил нуқталар нимани билдиради?» Биз бу каби саволларга узоқ изланишлар ор-қали имон қадар жавоб топишга хара-кат қилдик.

Чунки, инсон қиёфасидаги битта хол — комиллик даражасини билдириши, бу холнинг симметрик тасвирланиши сўз билан амал бир хил бўлишига ишора қилинган. Гўлдор бурун тасвирланиши-нинг ўзига хос томони — бу бурун ага-лари узоқни қўлаб иш қилувчи кишилар ҳисобланади. Қошнинг бир-бирига яқин-

лиги — тақдир йўлининг яқинлиги, юкори-да жойлашган қош — мақсадга интилиш аломатидир.

Ривоятларга кўра, Ялангтўш Баҳодир меъморга: «Бўлажак мадраса пештоқига шундай тасвир ишлаш кераки, бу нақш аввало, қалбдаги гўзалликни акс этти-риши лозим, — дейди. — Чунки инсон-нинг ўзи ҳам, қилган амали ҳам гўзал бўлиши керак. Иккинчидан, бу тасвир ор-қали халқни зиёли бўлишга, зиё орқали руҳий покликка, руҳий поклик орқали ко-милликка эришиш мумкинлигини кўрсати-ти керак. Қолаверса, нақш тили билан яшаган давримни, тутилган вақтимни ҳамда суратим сийратимни баён этилти», деган вазифани қўйди. Меъмор Шердор мадрасаси пештоқидagi нақшу нигорлар-ни ана шундай рамзий ечимда амалга оширди.

Агар тасвирни шаклий жиҳатдан шарҳ-лайдиган бўлсак, унда шер — инсон, қуёш — зиё, оқу — руҳий поклик рамзи экан-лигини аналаш мумкин. Нақш тили орқали Ялангтўш Баҳодир афсонавий қахра-мон, зиё тарқатувчи, ўз халқига фидойи инсон эканлиги ҳам моҳирона акс этти-рилган. Наққош танаси йўлбарс, калла-си шер бўлган ҳайвон орқали Баҳодир Ялангтўшнинг шарқий мунгли, яъни йили йўлбарс эканлигига, демак, унинг 1578 йилда, буржи Шер, яъни ойи 23 июль 23 август оралиғида тутилганлигига ишора

қилган. Тасвирдаги яширин рақамлар ор-қали унинг қайси қунда тутилганлиги яна-да аниқ-тиниқ равшан бўлади. Айтилиш, қуёш-шер ва кийик тасвири 12 буржлик ҳаққий йил ҳисобига ишора. Яъни, қуёш — ҳаққий-шамсий (қуёш) йили, кийик (жа-дий) бўлиб, учинчи ойидир. Буларнинг сир-и шундаки, йўлбарс мунглига бўйича учини ўринда бўлса, буржлар орасида шерники бешинчидир. Иккала рақам қўйилса, сак-киз бўлади. Саккизинчи ой август бўлиб, бунга оқу учун қўйилган ўн рақамини қўшсак, ўн саккиз ҳосил бўлади. Демак, Ялангтўш Баҳодирнинг 18 августда та-валлуд топанлиги аёнлашади.

Шу тарих асарлар давомида улкан ма-даният бойлигимиз бўлган мадраса пеш-тоқидagi нақшлар инсонларни гўзаллик-ка, сўз ва амал уйғунлигига ундайди. Қолаверса, бу тасвирларда кишиларни фақат бойлик кетидан қувмасликка, ҳаққий ҳазина маънавий ва руҳий олам-да эканлиги ҳақидаги фалсафа илгари су-рилган. Энг муҳим жиҳати шундаки, Са-марқанднинг 2750 йиллик тўйи ҳамда «Шарқ тароналари» VI халқаро мусиқа фе-стивалига ташриф бўлишдан мана шун-дай бебаҳ меросимиздан олам-олам завқ олишди. Бу эса ҳар биримизга чексиз гурур ва ифтихор баҳш этиши аниқ.

Саидқабл БУЛАТОВ, педагогика фанлари доктори, профессор.

СПОРТ Sport Спорт ИМКОНИЯТЛАР ТЕНГ, АММО...

Кеча Ўзбекистон миллий терма жамоаси Киевдаги Валерий Лобановский номидаги стадионда Украина футболчиларига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гарчи ҳамюртларимиз кичик ҳисобда (1:2) мағлубиятга учраган бўлса-лар-да, Европанинг номдор жамоасига қарши ҳар то-монлама муносиб ўйин на-мойиш этишди. Вакиллари-миз биринчи бўлиб ҳисоб-ни очиллари ҳам мумкин эди. Аммо Ринат Байрамов дарвозабон билан яқма-яқка ҳолатдан унумли фой-далана олмади. Шундан сўнг футболчиларимиз би-роз хотиржамликка бери-лишти. Бундан фойдалан-ган меъморлар вакили Александр Гладков жамоа-сини олдинга олиб чиқди — 1:0. 65- дақиқада Руслан Ротань ҳисобни 2:0 га оширди. Терма жамоамиз-нинг ягона тўпини Алек-



сандр Гейнрих киритди 2:1. Учрашув дуранг натижа би-лан якунланиши ҳам мум-кин эди. Аммо, йигитлари-миз иккинчи бўлимда бир неча қўлай имкониятлардан фойдалана олишмади. Асосийси, Терма жамоа-миз яқинда бошланган навбатдаги жаҳон чемпио-нати саралаш учрашувлари олдида ўз имкониятлари-ни яна бир бор синовдан ўтказиб олишди.

ДОПИНГГА ҚАРШИ ДАЪВАТ

Маълумки, кейинги пайтда профессионал спортчилар орасида допингдан фойдаланиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Айниқса, бу каби иллатлар энгил атлетикачилар орасида сезиларли даражада ошган.

Шу сабабли, Халқаро энгил атлетика федерацияси (IAAF) Бутунжаҳон допингга қарши кураш агентлиги (WADA)га жазо чораларини қўлайтириш ҳақида мурожаат билан чиқди.

Унга кўра, биринчи марта допингдан фойдаланиб қўлга тушган спортчини тўрт йил давомида мусобақалардан чет-латиш лозим. Амалдаги ан-тидопинг кодексида бундай ҳолатда спортчи икки йил му-датта барча мусобақалардан четлатилар эди.

Мутахассисларнинг фикри-ча, жазо чораларининг қўйи-тирилиши спортчилар ўртаси-да допинг истеъмол қилиш ҳолатларини қамшига олиб келади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

«САЙЛЖОЙИ» ФОЛИБ

Республика маҳалла футбол жамоалари ўртасидаги биринчилик якуний босқичга кирди.

13-14 ёшли ўсмирлар-нинг «Футболчимиз келажак» республика мусобақала-рининг Тошкент шаҳри ва вилоятлар қўлиблари икки гуруҳга бўлиниб, финалчи-ларни аниқлашмоқда.

Жиззахда қўнланган гуруҳ мусобақаларида Анди-жон, Фарғона, пойтахт ви-лоятлари ҳамда Сирдарё, Жиззах ва Тошкент шаҳри жамоалари иштирок этди.

Бир ҳафта давом этган қиз-гин бешлашувларда майдон эгаларининг «Сайлжойи» маҳалласи ёшлари биринчи ўринни, андижонликлар ик-кинчи ўринни эгаллашди.

Мазкур жамоалар энди Урганч шаҳридаги гуруҳ му-собақаларида қўлиб чиққан иккита жамоа билан чемпи-онлик учун курашишди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СОВРИНГА — «МАТИЗ»

Хишрав кўргони тепаликлариди Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган республика автопойга мусобақаси бўлиб ўтди.

Уни республика Автоспорт миллий федерацияси, рес-публика автотехника оқиқ акционерлик компанияси ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳамкорлида ташкил этди. Мусобақада Андижон, Бўхоро, Фарғона, Қашқадарё, Жиз-зах, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри автоспортчилари қатнашдилар. Қизгин ўтган мусобақада биринчи ўрин ва бош соврин — «Матиз» автомашинаси майдон эгалари — самарқандликларга насиб этди. Иккинчи ўринни Тошкент шаҳри, учинчи ўринни Жиззах вилояти спорт-чилари эгаллашди.

Мусобақа ташкилотчилари ва спортчилар Самарқанд шаҳ-ридаги 11-Меҳрибонлик уйига 2 та «Сино» русумли совути-гич ва биттадан телевизор ҳамда DVD магнитофони совға қилишди.

С. АБДУРАСУЛОВ.

ТАНИҚЛИ ШАХМАТЧИНИ ХОТИРЛАБ

Олтинш тўрт катак устидаги баҳслар устаси, мамлакат шахмати ривожига муносиб ҳисса қўшган Мамажон Муҳиддиновнинг номи ҳамиша муҳлислар ёдида.

Наманганда спорт дар-гасининг хотирасига бағиш-ланган V аънавий мусо-бақаси бўлиб ўтди. Белла-шулар якунига кўра, би-ринчи ўрин фарғоналик Ру-слан Резинга насиб этди. Наманган вилояти вакили

Ақмал Жўраев шохсупанинг ижоячи, фарғоналик Алишер Рустамов эса учинчи поғо-насидадан жой олди.

Қудратилло НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси Капитал қурилиш бўли-ми бошлиғи Мамауритдин МАҲКАМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этилади.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ХАЙРЛИ ТАДБИРИ

Кеча кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг 19 нафар бемор болалари да-воланиш учун Германияга жўнаб кетди. Гап шундаки, бир неча йил-лардан буён «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағма-раси Германиянинг «Фриденс-дорф Интернейшнл» халқаро хайрия ташкилоти билан ҳам-корликда мамлакатимизда кўпгина хайри тадбирларни амалга оширмоқда. Биргина шу йилнинг ўзида ушбу ташкилот ажратган маблағ ҳисобидан 180 нафардан зиёд 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон бо-лалар Тошкент шаҳри ва вило-ят марказларидаги клиникалар-да даволанди.

Яқинда «Фриденсдорф Ин-тернейшнл» халқаро хайрия ташкилоти раҳбари бошчилиги-да юртимизга келган махсус делегация бир ҳафта давоми-да бир қатор вилоятларда бўлишди ва 450 нафар бемор болани тиббий қўриқдан ўтқа-зди. Даволанишлари учун бир қатор мураккаб жарроҳлик амалиёти талаб қилинадиган 19 нафар бемор болалар Герма-ния клиникаларида даволаниш учун танлаб олинди.

М. ХОЛМАТОВА.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси «O`ZLITINEFTGAZ» OAJ 2008 йил учун кундузги аспирантурага қуйидаги мутахассислар бўйича қабул эълон қилади:

- нефть ва газ конлари геологияси, қидируви ва разведкаси; нефть ва газ қудуқларини бурғулаш.

Аспирантурага ёши 35 дан ошмаган, олий маълумотли, олий ўқув юртини тугатгандан сўнг танланган ихтисослик бўйича камида 1 йиллик амалий тажрибага эга ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича қобилиятини кўрсатганлар қабул қилинади.

Олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугатган ёш мутахассислар тегишли ўқув юртининг тавсияси бўйича танлов имтиҳонларида иштирок этишга қўйилади. Аспирантурага кирувчилар қуйидаги фанлардан танлов имтиҳонлари топширадилар: Ўзбекистон тарихи, фалсафа, чет тили, махсус фан.

Ариза ва ҳужжатлар 2007 йил 1 октябргача қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: 153-75-07. Манзилимиз: 100029, Тошкент ш., Т.Шевченко к., 2-уй, 341-хона.

Advertisement for NURON and FUJITSU SIEMENS computers, listing server, LCD monitors, and notebooks with specifications and prices.

Advertisement for Russian linoleum and vinyl flooring, featuring the text 'Российский линолеум' and 'Обои виниловые'.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, including contact information and subscription details.

Advertisement for 'Boш муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ', providing contact information for the newspaper's editorial office.

Advertisement for 'MANZILIMIZ' newspaper, listing address and contact details.